

У кун келмасидан унга тайёрланайлик!



14:07 / 07.06.2021 2507

Ва бир кун ҳамма нарса ортингда қолади. Барча севган инсонларинг, яхши кўрган нарсаларингдан айриласан.

Ҳалол ёки ҳаром йўл билан жамғарган мол-мулкинг, уйларинг, машиналаринг ва барча эга бўлган нарсаларинг бошқаларнинг мол-мулкига айланади.

Бир кун келиб эгаллаб турган мансаб, мақомингни тарк этиб кетасан. Барча унвонларингу, фахрий ёрлиқларинг қолиб кетади. Иш столиндаги сенга тегишли бўлган нарсалар ва иш жойингнинг эшикларидagi исми шарифинг олиб ташланади. Йўллар, уй, ишхона, кўчалар, дўконлардаги қадам изларинг ўчади.

Барча елиб югуришларинг, тузган режаларинг, охирига етказмоқчи бўлган ишларинг ва оилангдаги муаммоларинг ҳаммаси энди сен учун тугайди. Барча орзуларинг, режалаштирган ишларинг, тўланмаган қарзларингнинг ҳаммаси чала қолиб кетади. Ҳамма нарса тугайди, сенга берилган муддат тугайди.

Бошқаларнинг хонадонидан эшитилган ўлим хабари энди сенинг хонадонингдан тарқалади. Бошқалар учун ўқилган дуои фотиҳалар энди сен учун ўқилади.

Оиланг ва яқинларинг ёш тўла кўзлари, ҳузун тўла қалблари билан сени
ғусл қилишади, кафанлашади ва тобутга қўйишади.

Жаноза намозинг ўқилади. Энди сен тобутдасан, тобутинг қабристон
томон олиб кетилмоқда. Сени қабр зулмати, у ердаги савол-жавоб,
ёлғизлик кутмоқда.

Эй Аллоҳим, менга яна озгина муддат бер, ўқимаган намозларим, тутмаган
рўзаларим, бермаган закот-садақаларим, тўламаган қарзларим, ибодатга
ўргатмаган фарзандларим, мен томондан ранжитилган қалблар, поймол
қилинган ҳақлар бор, гапирган ёлғон, ғийбатларим, қилган зулмларим,
гуноҳларим бор. Яқинларимдан розилик ололмадим, фарзандларимга
Аллоҳни танита олмадим, васиятимни қила олмадим, қурбим ета туриб
ҳажга бормадим, Қуръон тиловат қилолмадим, тавба қилолмадим. Қанийди
ортга, ҳаётга қайтолсам...

Сен учун берилган муддат тугади, афсус...

Энг яқин инсонларинг сени қабрга, юзингни қибла тарафга қаратиб
қўйишади, ғиштар териб, устингдан тупроқ тортишади. Сен учун Қуръон
ўқишиб, дуолар қилиб сени ташлаб кетишади. Совуқ тупроқ ва қоронғу
қабрда яхши-ёмон амалларинг, афсус-надоматларинг билан ёлғиз қоласан.

Бугун эса тириксан, ҳаётдасан, яшаяпсан. Оламларнинг Роббига ҳамдлар
бўлсин!

Афсус-надомат чекадиган ўша дахшатли кун келмасидан солиҳ амаллар
қилиб ол, гуноҳлардан узоқлашиб, тавбалар қилиб ол, чунки бугун
фурсатинг бор алҳамдулиллаҳ. Ўлим келмасидан олдин ўлимга тайёрлан!

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф